

## Эҳтикорнинг кароҳияти боби

05:00 / 17.02.2017 4072

5739 – Яҳё ибн Саиддан (ривоятки, у) деди: Саид ибн ал-Мусаййиб ҳадис айтар эди: Муаммар деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Кимки эҳтикор қилса, бас, у хатокордир!”. Шунда Саидга дейилди: “Сен ўзинг эҳтикор қиласан-ку!”. Саид деди: “Албатта Муаммар ушбу ҳадисни айтаётганида эҳтикор қилар эди”. Муслим: “Мусоқот” боби 129 ҳадис, (6/29). Имом Абу Довуд дейди: Саид ибн ал-Мусаййиб данак, ип, уруғларни эҳтикор қилар эди. Ибн Абдулбарр ва бошқалар дейди: Саид ва Муаммар иккови ёғни эҳтикор қилар эдилар. Иккови (эҳтикорнинг макруҳлиги ҳақидаги) ҳадисни унга эҳтиёж бўлиб турган вақтда озуқани эҳтикор қилишга (айтилган), деб тушунтирар эдилар. Шунингдек, “Авн ал-маъбуд” да (келган), (3/285-286).

Мен айтаман: “Эҳтикор” масаласи уламолар орасида ҳар хил ижтиҳод қилинган. Абу Довуд Имом Муслим йўлидан бошқа йўл билан Ибн ал-Мусаййиб ҳадисини нақл қилгандан кейин: “Бу ҳадис бизнинг фикримизга кўра ботилдир!” деган. Унга ҳужжат қилганки, албатта Саид данак, барг ва уруғларни эҳтикор қилар эди. Бошқалар деган: “Ҳадис саҳиҳдир!”.

Сўнгра уламоларнинг орасида ихтилоф чиқди. Баъзилар дейишди: “Ҳадис умумийдир. Эҳтикор ҳар бир нарсада макруҳдир. Эҳтикор ҳар бир нарсада одамларга зарар келтириши мумкин. Ҳадис мутлақ ва сабаб муштарак бўлгани учун шундай дейишимиз керак”.

Баъзилар бундай дейишди: “Эҳтикорнинг макруҳлиги инсон ва ҳайвонотнинг озуқаси бор нарсалар (масалан, буғдой, арпа, гуруч)га хосланган. Чунончи, ҳадиснинг ровийлари Саид ибн ал-Мусаййиб билан Муаммар шу қарашни олишган”.

Бошқалар эса бундай дейдилар: “Одамларга келадиган зарар фақат озуқалардан бошқасини эҳтикор қилганлиги сабабидан бўлмайди. Зотан, бу хилдаги эҳтикорнинг зарари одамлар ва уларнинг чорполари озуқаси борасида қилинган эҳтикор сабабли юзага келадиган зарар каби бўлмайди. Чунки, озуқалардаги эҳтикор жоннинг ҳалок бўлишини келтириб чиқаради. Бошқаларида эса бундоқ эмас. Ҳадисда қайтарилган нарса комил зарардир, мутлақ зарар эмас. Чунки, эҳтикордан мутлақо қайтариш савдогарларга зарардир, зотан, тижоратнинг асоси нархнинг ошишидадир.

Демак, (эхтикордан қайтарилган ҳадисда) комил зарар эътиборга олинган, мутлақ зарар эмас. Бу Имом Абу Ҳанифанинг мазҳабидир, бу эса нархдир. “ал-Ҳидоя”да дейди: “Имом Абу Ҳанифа урфда юз берадиган зарарни эътиборга олади”.

Ушбу охирги қараш заифдир. Чунки, бизнинг давримизда озуқаларга алоҳида урф ҳам, аҳду паймон ҳам йўқ, балки урфда юз берадиган зарар ҳар бир нарсада мавжуддир. Чунончи, бу махфий эмас.

Зафар Аҳмад ал-Усманий ат-Таҳонавий. “Эъло ус-сунан”.

XVI-жилд. –Байрут-Лубнон: Дор ул-фикр, 2002. –8216-8217 бетлар.

Таржимон: Ҳамидуллоҳ Беруний